

# **“Аёллар дафтари” - аёллар муаммоси ечими бўлмоқда**



Термиз туманида “Аёллар дафтари”га 1878 нафар хотин-қизлар киритилган бўлиб, улар билан 9 тоифа бўйича манзилли ишлар олиб борилмоқда. Аёлларни иш билан таъминлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш ва бошқа йўналишларда олиб борилган ишлар натижасида уларнинг бир қанчасининг муаммоси ўз ечимини топди ва “Аёллар дафтари”дан чиқарилди.

Бугунги кунда Термиз туманида “Аёллар дафтари” бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ушбу маҳсус репортаж орқали танишишингиз мумкин.